

## Муфтий Нуриддин домла Холиқназаров Имом Бухорий мажмуасини зиёрат қилдилар



23:28 / 07.04.2023 2283

Бугун, 7 апрель куни Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Нуриддин домла Самарқанд вилоятига сафарлари давомида қайтадан барпо этилаётган Имом Бухорий ёдгорлик мажмуасидаги бунёдкорлик ишлари билан яқиндан танишдилар.

Даставвал улуғ аллома ҳақиға Қуръони Карим тиловати бағишланиб, хайрли дуолар қилинди. Танишув асносида муфтий мажмуанинг янги биноси ва унинг ёнида бир пайтнинг ўзида қарийб 10 минг нафар намозхон ибодат қилиши мумкин бўлган жомеъ масжид қурилишини кўздан кечириб, зарур тавсия ва фикр-мулоҳазаларини тақдим этдилар.

Шунингдек, Шоҳи Зинда мажмуасида қўним топган азиз-авлиёлар руҳига ҳам Қуръони Карим тиловат қилиниб, дуои хайрлар қилинди.

**Ўзбекистон мусулмонлари идораси Матбуот хизмати**





